

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27/30.12.2019.G.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ГАФУРОВ АКМАЛ АКРАМОВИЧ

**ҚАШҚАДАРЁ ҲАВЗАСИ СУВ РЕСУРСЛАРИ МОНИТОРИНГИ ВА
УНИ ОПТИМАЛ БОШҚАРИШДА ГЕОАХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ**

11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**География фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
geographical sciences**

Гафуров Акмал Акрамович

Қашқадарё ҳавзаси сув ресурслари мониторинги ва уни оптимал бошқаришда
геоахборот тизимларидан фойдаланиш.....3

Гафуров Акмал Акрамович

Использование геоинформационных систем в мониторинге и оптимальном
управлении водными ресурсами бассейна реки Кашкадарья.....21

Gafurov Akmal Akramovich

Using geoinformation systems on monitoring and optimal management of water
resources of the Kashkadarya River Basin.....39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27/30.12.2019.G.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ГАФУРОВ АКМАЛ АКРАМОВИЧ

**ҚАШҚАДАРЁ ҲАВЗАСИ СУВ РЕСУРСЛАРИ МОНИТОРИНГИ ВА
УНИ ОПТИМАЛ БОШҚАРИШДА ГЕОАХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ**

11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Gr133 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nigmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ахмедова Тамара Абдурахимовна
техника фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Мурадов Шухрат Одилевич
техника фанлари доктори, профессор

Умирзақов Ғулом Ўнгарбоевич
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

**“Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти”
Миллий тадқиқот университети**

Диссертация ҳимояси Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.27/30.12.2019.G.47.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «30» ноябре соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: +998 71 2358512, факс: +998 71 2371319, E-mail: info@nigmi.uz).

Диссертация билан Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг Илмий-техник кутубхонасида танишиш мумкин (№ 218 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: +998 71 2358516, факс: +998 71 2371319.

Диссертация автореферати 2022 йил «18» ноябре кун тарқатилди.
(2022 йил «18» ноябре даги _____ рақамли реестр баённомаси).



Б.М.Холматжанов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, г.ф.д.

Б.Э.Нишонов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

Х.Эгамбердиев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Глобал иқлим ўзгариши Ерда сув айланишига таъсир қилиб, сув ресурсларининг вақт ва ҳудуд бўйича нотекис тақсимланишини янада кучайтирмоқда. Бу борада Бутунжаҳон метеорология ташкилоти «2050 йилга бориб 5 миллиардга яқин одам йилига камида бир ой сувдан етарли даражада фойдалана олмайди. Умуман олганда, глобал исиш Ердаги сув айланишини кучайтирмоқда, 2000 йилдан бери сув тошқини билан боғлиқ офатлар 134 фоизга, қурғоқчиликлар сони ва давомийлиги эса ҳудди шу даврда 29 фоизга ўсди»¹, деб таъкидлайди. Бу ҳолат сув ресурслари мониторинги ва уларни оптимал бошқаришда инновацион технологияларидан фойдаланиш, дарё оқимини прогнозлашга қаратилган тадқиқотларни олиб боришни тақазо этади.

Жаҳонда мазкур йўналишдаги тадқиқотларга, жумладан, сув ресурсларини иқлимий омиллар ва қор қоплами маълумотлари асосида прогнозлаш, дарё ҳавзасидаги сув ресурслари мониторингини олиб бориш, қурғоқчилик ва сув тошқини хавфларини олдиндан аниқлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунингдек, ҳозирги кунда, дунё миқёсида дарёларнинг сув захираси ҳисобланувчи қор қоплами ва унинг қалинлигини аниқлаш, қор қоплами ва иқлимий маълумотлар асосида ўрта ва узоқ муддатли гидрологик прогнозлаш усуллари тақомиллаштириш, шу асосда, сув ресурслари мониторинги ва уни оптимал бошқариш сифатини яхшилаш долзарб ҳисобланади.

Республикамизнинг турли иқтисодиёт тармоқларида, хусусан, сув ресурслари мониторингини олиб боришда инновацион технологиялар, замонавий географик ахборот тизимларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва бу борада сезиларли натижаларга эришилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясининг “Сув ресурсларини прогнозлаш ва интеграциялашган ҳолда бошқариш, сув ресурсларини ҳисобга олиш ва ҳисоботини юритиш ҳамда сув истеъмоли меъёрларини белгилаш тизимини тақомиллаштириш” бандида «Сув ресурсларини геоахборот тизим асосида прогноз қилишни ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич жорий қилиш»² 2021-2022 йилларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар йўл харитасига киритилган. Бу борада республикамизда сув ресурслари мониторинги ҳамда уни оптимал бошқаришда геоахборот тизимлари, масофадан зондлаш имкониятларидан фойдаланишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон, 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон

¹ World Meteorological Organization. 2021 State of Climate Services: Water.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ги Фармони

Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6024-сон Фармонлари, 2020 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-4896-сон, 2021 йил 24 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-5005-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг «V. Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сув ресурслари мониторинги, уларни баҳолашда масофадан зондлаш, дарё оқимини турли муддатларга прогнозлаш масалаларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар D.Ficklin, Y.Luo, E.Luedeling, M.Zhang, W.Bastiaanssen, E.Noordman, H.Pelgrum, G.Davids, B.Thoreson, R.Allen, C.Zhang, S.P.Meyer, T.Salem, J.Labadie, H.Assaf, M.Saadeh, P.S.Fortes, A.E.Platonov, L.S.Pereira, M.Schlüter, N.Rüger, D.Hirsch, C.Pahl-Wostl, Y.Chemin, M.Hassan, R.Bohovic, U.K.Awan, B.Tischbein, C.Martius, M.Hafeez, G.Menz, F.Thonfeld каби олимлар томонидан олиб борилган.

Собиқ Иттифоқ ва МДҲ мамлакатлари олимларидан В.Г.Глушков, М.А.Великанов, Б.Д.Зайков, М.И.Львович, В.Д.Комаров, Н.Л.Фролова, Ю.М.Георгиевский, Л.С.Кучмент, В.Н.Демидов кабиларнинг тадқиқотлари дарё ҳавзасидаги оқимнинг шаклланиши, гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозлар, гидрологик жараёнларни математик моделлаштириш каби масалаларни ўрганишга қаратилган.

Ўзбекистонда мазкур йўналишдаги илк тадқиқотлар Э.М.Ольдекоп, Л.К.Давидов, М.И.Геткер, В.Л.Шульц, О.Н.Щеглова, Ю.М.Денисов, Г.Е.Глазирин, А.Г.Коновалов ва бошқалар томонидан олиб борилган. Ҳозирги кунда мазкур муаммога бағишланган тадқиқотлар А.В.Пак, Ф.Ҳ.Ҳикматов, Э.И.Чембарисов, Н.Агальцева, М.А.Петров, Ш.О.Муродов, Л.М.Карандаева, Ғ.Юнусов, Ғ.Ў.Умирзоқов ва бошқа олимлар томонидан давом эттирилмоқда.

Юқорида келтирилган тадқиқотларда Қашқадарё ҳавзасида қор қопламини мониторинг қилиш масалалари географик ахборот тизимлари (ГАТ) ва масофадан зондлаш маълумотлари асосида етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур диссертация Қашқадарё ҳавзаси сув ресурсларини мониторинг қилишни ривожлантириш ва ҳавзадаги қор қопламини масофадан зондлаш ва унинг қалинлигини ҳисоблашда математик моделлаштириш усули қўлланилганлиги ҳамда иқлим таъсирини инобатга олган ҳолда қор қопламини маълумотлари асосида гидрологик прогнозлар амалга оширилганлиги билан юқоридаги тадқиқотлардан фарқ қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти (ГМИТИ) илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170929254 «Иқлим ўзгариши шароитида қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши учун мослашув стратегиясини ишлаб чиқишда Қашқадарё ҳавзаси сув ресурсларини мониторинги ва геоахборот тизими (ГАТ)ни шакллантириш» (2018-2020 йй.), ПЗ-20170928233 «Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ахборот таъминотини ва сув ресурсларини баҳолаш учун масофавий ва ер усти маълумотлари асосида Ўзбекистондаги сув омборлари ҳолатини комплекс мониторинг тизимини ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй.), ПЗ-203132020 «Дарёлар оқимининг узоқ муддатли прогнозлари сифатини яхшилаш учун математик моделлар, масофадан зондлаш тармоғи маълумотлари ва ердан кузатишлар ёрдамида Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларида қор захираларининг шаклланиш динамикасини баҳоловчи дастурий таъминот яратиш» (2022-2025 йй.) мавзуларидаги амалий тадқиқотлар лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қашқадарё ҳавзаси сув ресурслари мониторинги ва уни оптимал бошқаришда инновацион технологиялар асосида гидрологик прогнозлаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қашқадарё ҳавзасида жойлашган гидрологик постлар ва метеорологик станцияларда кузатилган маълумотлар асосида иқлимий ва гидрологик маълумотларнинг электрон базасини яратиш;

Қашқадарё ҳавзасида қор захирасини ГАТ ва масофадан зондлаш усуллари асосида баҳолаш;

дарё ҳавзасида қор қоплами қалинлигини ҳисоблаш ва унинг математик моделини ишлаб чиқиш;

инновацион технологиялар ёрдамида ҳавзада қор қоплами ҳолати ва динамикасини ўрганиш;

Қашқадарё ҳавзаси сув ресурсларини оптимал бошқариш мақсадида табиий режимли дарёлар оқимини прогнозлаш усулларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё ҳавзасининг тоғли ҳудудларида жойлашган табиий гидрологик режимга эга бўлган дарёлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети Қашқадарё ҳавзаси сув ресурсларини мониторинг қилиш, масофадан зондлаш маълумотлари, дарё ҳавзасидаги қор қопламлари маълумотларини статистик баҳолаш, сув ресурсларини оптимал бошқаришда гидрологик прогнозлаш усулларини такомиллаштириш масалалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тадқиқотлар географик ахборот тизимлари ва масофадан зондлаш усулларида кенг фойдаланиб бажарилган. Шунингдек, ишда замонавий гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозлаш усуллари қўлланилган, жумладан, гидрологик ҳисоблашлар ва статистик таҳлиллар замонавий гидрологик тадқиқотларда кенг

қўлланилаётган R дастурлаш тилида бажарилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қашқадарё ҳавзасига тушаётган ёғингарчиликнинг суyoқ (ёмғир) ҳолатдан қаттиқ (қор) ҳолатга ўтиш ҳароратини аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

Қашқадарё ҳавзасида қор қоплами қалинлигини аниқлашнинг эмпирик ифодаси ва унинг SNOWMELT математик модели ишлаб чиқилган;

масофадан зондлаш маълумотлари асосида қор қоплами майдони ва индексини ҳисоблаш алгоритми яратилган;

Қашқадарё ҳавзаси учун масофадан зондлаш орқали олинган қор қоплами маълумотлари асосида дарё оқимини прогнозлаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

метеорологик маълумотлар (ҳаво ҳарорати ва ёғин миқдори) асосида дарё ҳавзасида мавжуд қор захирасини миқдорий баҳоловчи математик модел ишлаб чиқилган;

ГАТ технологиялари ва математик модел ёрдамида Қашқадарё ва Ўрадарё ҳавзаларида қор захираси (қор қоплами ва унинг қалинлиги, қорнинг сувлилик эквиваленти)нинг кунлик рақамли хариталари яратилган;

замонавий гидрологик тадқиқотларда кенг қўлланилаётган R дастурлаш тилида қор қоплами майдони ва индексини ҳисоблаш алгоритми яратилган;

Қашқадарё ҳавзаси асосий ирмоқлари (Яккабоғдарё, Оқсув ва Ўрадарё)нинг ойлик ва вегетация даври оқими прогнозлари ишлаб чиқилган;

Қашқадарё ҳавзасидаги дарё оқимини узоқ мудатга прогнозлаш усулидан амалиётда фойдаланиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация ишини бажариш жараёнида Ерни масофадан зондлаш маълумотлари (Modis, SRTM, Landsat), Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет)да амалга оширилган стандарт гидрометеорологик кузатиш маълумотларидан ҳамда тармоқ илмий тадқиқот институтлари, хусусан, Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти (ГМИТИ), Халқаро сув муаммолари институти (IWMI) ҳамда “Давлатсувназорат” агентлигининг ахборот маркази материалларидан фойдаланилганлиги, шунингдек, уларни қайта ишлашда умумий қабул қилинган тадқиқот усуллари, жумладан, математик моделлаштириш усуллари қўлланилганлиги, уларнинг мазкур тадқиқот йўналишидаги бошқа муаллифларнинг натижалари билан мосликлари ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти дарё ҳавзасидаги сув ресурсларини оптимал бошқаришда масофадан зондлаш ва ГАТ имкониятларидан фойдаланиш орқали дарё оқимини ўрта ҳамда узоқ муддатли прогнозлашда математик моделдан фойдаланилиши билан изоҳланади.

Натижаларнинг амалий аҳамияти тадқиқотда олинган асосий хулоса ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлигининг ишлаб чиқариш ташкилотларида, гидротехника иншоотлари, жумладан, сув омборларини лойиҳалаш, қуриш ва мавжудларини самарали эксплуатация қилиш, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш мақсадида экин турларини тўғри танлаш ва жойлаштиришга қаратилган мақбул чора-тадбирлар режасини ўз вақтида қабул қилишда қўллаш, шунингдек, ишда қўлланилган услубий ёндашувларнинг республика олий таълим тизимининг тегишли йўналишлари ва мутахассисликларида амалий гидрология фанларини ўқитиш жараёнида замонавий технологиялар асосида билим олишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қашқадарё ҳавзаси сув ресурсларини мониторинги ва уни оптимал бошқаришда ГАТ технологиялардан фойдаланиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Қашқадарё ҳавзасидаги ёғингарчиликнинг суyoқ (ёмғир) ҳолатдан қаттиқ (қор) ҳолатга ўтиш ҳароратини аниқлаш усулидан Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказида дарё оқимини узoқ муддатли прогнозлашда дарё ҳавзасидаги ёғин турини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг 2022 йил 16 июндаги 01-15/703-сон маълумотномаси). Натижада, ёғин турига қараб дарё оқимини узoқ муддатли прогнози аниқлигини оширишга эришилган;

дарё ҳавзасида қор қоплами қалинлигини аниқловчи SNOWMELT математик моделидан Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказида Қашқадарё ҳавзасидаги қор захираларини ҳисоблашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг 2022 йил 16 июндаги 01-15/703-сон маълумотномаси). Натижада, дарё ҳавзасидаги қор қоплами қалинлигини масофадан аниқлаш имконияти яратилган;

масофадан зондлаш маълумотлари асосида қор қоплами майдони ва индексини ҳисоблаш алгоритмидан Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказида Қашқадарё ҳавзасида қор қоплами индексини ҳисоблашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг 2022 йил 16 июндаги 01-15/703-сон маълумотномаси). Натижада, Қашқадарё ҳавзаси учун гидрологик прогнозлашда қор қоплами индексидан фойдаланиш имконини берган;

қор қоплами маълумотлари асосида ишлаб чиқилган дарё оқимини прогнозлаш усули ҳамда тавсия этилган формулалардан Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказида Қашқадарё дарёси оқимини узoқ муддатли прогнозлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг 2022 йил 16 июндаги 01-15/703-сон маълумотномаси). Натижада, Қашқадарё ҳавзаси сув ресурсларини оптимал бошқариш бўйича чора-тадбирлар режасига аниқлик киритиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот ишининг

натижалари 7 та халқаро ва 1 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, уларнинг амалиётда жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Қашқадарё ҳавзасининг табиий географик шароити» деб номланган **1-бобида** Қашқадарё ҳавзаси табиий шароитининг ўзига хос хусусиятлари, унинг географик ўрни, геологик тузилиши ва рельефи, гидрографик тармоқлари бўйича маълумот берилган.

Қашқадарё ҳавзасининг иқлим хусусиятларини тавсифлашда Ўзгидромет тасарруфидаги Ғузор, Кўл, Қарши, Мингчуқур, Муборак ва Шахрисабз метеорологик станцияларининг охириги 30 йиллик (1991-2020 йй.) маълумотларидан фойдаланилган (1-расм).




1-расм. Қашқадарё вилоятида метеостанцияларнинг жойлашув харитаси

Қашқадарё ҳавзаси ҳудуди Ўзбекистоннинг ўрта ва шимолий табиий географик ҳудудларидан фарқ қилиб, баҳор эрта келади, тезда жазирама ёзга ўтиб кетади, қиши қисқа, текислик ва тоғ олди ҳудудларида январнинг кўп йиллик ўртача ҳарорати $+2^{\circ}\text{C}$ атрофида. Ёзи жуда қуруқ, иссиқ бўлиб, узоқ давом этади. Текислик қисмида июль ойининг кўп йиллик ўртача ҳаво ҳарорати $+28^{\circ}\text{C}$ га тенг, мутлақ юқори ҳарорат эса $+46 - +47^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади. Тоғларда, тоғ оралиғи ботикларида ёз бироз салқинроқ бўлади.

Қашқадарё ҳавзасида 10 км дан узун бўлган дарёлар сони 149 тани ташкил этиб, шулардан 33 таси 20 км дан ортиқ узунликка эга (2-расм).

Умумий майдони 12000 км² атрофида бўлган Қашқадарё ҳавзасининг 8000 км² (67%) сув йиғиш майдонига тўғри келади.

Ҳавзадаги дарё оқимини кузатиш 1926 йилда Қашқадарёда Варганза қишлоғи ва Танҳоздарёда Атчиги қишлоғи яқинида бошланган.



2-расм. Қашқадарё ҳавзасининг гидрографик тармоқлари

Диссертациянинг «Қор қопламини мониторинг қилишда географик ахборот тизимлари ва масофадан зондлаш усуллари» деб номланган 2-боби географик ахборот тизимлари ва масофадан зондлаш маълумотлари асосида ҳавзада қор қопламини миқдорий баҳолаш, сув ресурсларини комплекс мониторинг қилиш масалаларини ўрганишга бағишланган.

Қор қопламини аниқлаш нафақат гидрометеорологик хавфли ҳодисаларни олдини олиш ва юмшатиш, сув ресурсларини бошқариш учун, балки гидрологик прогнозлаштиришда ҳам муҳимдир. Қор захирасини аниқлашда масофадан зондлаш усулидан, яъни Landsat, MODIS (Terra ва Aqua) сунъий йўлдош маълумотларидан фойдаланилган. MODIS (Terra ва Aqua) сунъий йўлдошларидан (705 км баландликдан) олинган маълумотлардан дунё миқёсида ер сирти ва ундаги ўзгаришларни, альбедоси,


ер сирти ҳарорати, муз ва қор қоплами, ўсимликлар ва уларнинг хусусиятларини кунлик ўрганишда фойдаланилади.

MODIS (4 ва 6 бандлар) ва Landsat TM (2 ва 5 бандлар) маълумотлари орқали нормаллаштирилган қор индекси (NDSI) қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$NDSI = (Green - SWIR) / (Green + SWIR)$$

бу ерда: Green – яшил рангли тўлқин узунлиги, 0,53-0,61 микрометр; SWIR – қисқа инфрақизил тўлқин, 1,55-1,75 микрометр.

Қор қопламини авиация ёрдамида кузатишлар кескин камайган шароитда қор қоплами маълумотларини ўрганишда масофадан зондлаш услубидан фойдаланиш қулай ва қор қоплами ҳақидаги муқобил маълумот манбаси бўлиб, шу билан бирга дарёларнинг сувлиги тўғрисида узоқ муддатли прогнозлашда ҳам фойдаланиш мумкин. Бироқ масофадан зондлаш услубининг ҳам айрим камчиликлари, жумладан, булутлилик мавжуд. Буни MODIS сунъий йўлдошнинг AQUA ва TERRA сенсорларидан олинган суратлардан кўриш мумкин. 3-расмда AQUA сенсоридан олинган суратда булут қоплами ҳавзани деярли тўлиқ қоплаган.




3-расм. MODIS сунъий йўлдош маълумотлари асосида Ўрадарё ҳавзаси учун тузилган қор қоплами харитаси

Булут қопламини олиб ташлаш ва қор қопламини мониторинг қилишда Германиянинг Потсдам институтида ишлаб чиқилган MODSNOW дастуридан фойдаланилди.

MODSNOW дастури NSIDC серверидан мавжуд янгиланган MODIS қор қопламлари маълумотларини юклаб олиш, автоматик метеорологик станциялари тармоғидан кирувчи ва чиқувчи қисқа тўлқинли радиация ҳақидаги янгиланган маълумотларни юклаш, жойларда ёққан қор тўғрисидаги маълумотларга қайта ишлов бериш, жойларда маълумот сифатини яхшилаш мақсадида булутлардан тозалаш алгоритмидан фойдаланиш, керакли MODIS плиткаларини GeoTIFF файл кўринишида қайта лойиҳалаш, GeoTIFF файл форматидан ASCII файл форматига ўтказиш ҳамда ҳавзаларни ажратиш, кўп босқичли жараёнлардан фойдаланиб булутлардан тозалаш, ҳавза миқёсида қор қопламлари ҳолати бўйича ҳисоботларга қайта ишлов бериш ва уни визуаллаштириш каби босқичларни автоматик тарзда амалга оширади.

MODSNOW дастури орқали дарё ҳавзасида булутлардан тозаланган суткалик қор қоплами маълумотларини автоматик тарзда олиш имконияти мавжуд (4-расм).


MODSNOW дастури нафақат Қашқадарё вилояти, балки Марказий Осиё ҳудудидаги қор қоплами маълумотларини масофадан ўрганувчи дастурдир.



4-расм. MODSNOW дастурида аниқланган Қашқадарё ҳавзаси қор қоплами (05.01.2022 й.)

Диссертациянинг «Дарё ҳавзасида қор қоплами қалинлигини математик моделлаштириш» деб номланган **3-боби** дарё ҳавзасида иқлимий (ёғин, ҳаво ҳарорати) маълумотлари асосида қор қалинлигини аниқлашга ва унинг математик моделини яратишга бағишланган.

Дарё ҳавзасида қиш ойларида тўпланган мавсумий қор захиралари “сув омборлари” сифатида сақланиб туради. Мазкур қор захиралари дарё оқимининг режимини белгилаб беради. Мавсумий сув ресурсларини баҳолашда ҳавзада жойлашган метеорологик станциялар маълумотларидан фойдаланилган. Бугунги кунда Қашқадарё ҳавзаси бўйича қор қоплами қалинлиги Қашқадарё ҳавзасидаги Кўл ва Ўрадарё ҳавзасидаги Мингчукур метеостанцияларида ўлчанади. Лекин, ҳавзадаги қор захирасини 2 та станция маълумотлари ёрдамида баҳолаш етарли бўлмайди. Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида ҳавзадаги қор қопламини ва унинг қалинлигини баҳолаш математик моделлаштириш ёрдамида ўрганилган (5-расм).




5-расм. Қор қоплами ва унинг қалинлигини аниқловчи математик модел структураси

Математик моделни тузишда қорнинг эриш формуласидан (3.1) фойдаланилган. Қор қоплами қалинлиги ҳаво ҳароратига боғлиқ ҳолда қорнинг эриши ёки ёғатган ёғингарчиликнинг қаттиқ (қор) ёки суюқ (ёмғир) кўринишида тушишига қараб аниқланади:

$$M = C_m(T_a - T_o) \quad (3.1)$$

бу ерда: M – қорнинг эриши, мм/кун; C_m – қорнинг эриш жадаллиги, мм/°С кун; T_a – ўртача кунлик ҳаво ҳарорати, °С; T_o – қорнинг эриш ҳарорати, °С.

Ишда қорнинг ёғиш, эриш ҳарорати ва эриш жадалликларини аниқлашда 2000-2009 йиллар давомида Кўл ва Мингчуқур метеостанцияларида ўлчанган кунлик ўртача ҳаво ҳарорати, кунлик ёғин миқдори ҳамда қорнинг қалинлиги маълумотларидан фойдаланилди. Математик модел ҳаво ҳарорати ва ёғин миқдори маълумотлари асосида ишлайди. Модел натижаларининг аниқлигини баҳолашда мос равишда Кўл ва Мингчуқур метеостанцияларида 2010-2019 йилларда кузатилган қор қалинлиги маълумотларидан фойдаланилган (6-расм).



б-расм. Мингчукур метостанцияси ва математик моделда аниқланган қор қалинлигини таққослаш; а) моделни тузишда фойдаланилган маълумотлар (калибрация), б) моделда ҳисобланган маълумотлар аниқлигини текшириш (валидация)

Моделлаштириш натижаларининг аниқлиги замонавий гидрологик тадқиқотларда қўлланиладиган Неш-Сатклиф самарадорлиги (Nash-Sutcliffe efficiency – NSE) ифодаси ёрдамида баҳоланган. NSE ифодаси моделлаштирилган ва кузатилган қийматларни таққослаш асосида амалга оширилади:

$$NSE = 1 - \frac{\sum(H^P - H^O)^2}{\sum(H^O - \bar{H})^2} \quad (3.2)$$


бу ерда: H^O – кузатилган қор қоплами қалинлиги қиймати; H^P – моделда аниқланган қор қоплами қалинлиги қиймати; \bar{H} – кузатилган қор қоплами қалинлиги қийматларининг ўртача арифметик қиймати.

Ҳисоблаш натижаларига кўра модел ўзини оқлаган, яъни 2000-2009 йилларда $NSE=0,79$, бу эса баҳолаш мезонига кўра, жуда яхши ҳисобланади (1-жадвал).

NSE мезони бўйича баҳолаш параметрлари


Баҳолаш мезони	Жуда яхши	Яхши	Қониқарли	Қониқарсиз
Қиймат оралиғи	$0,75 < NSE \leq 1,00$	$0,65 < NSE \leq 0,75$	$0,50 < NSE \leq 0,65$	$NSE \leq 0,50$

Моделлаштирилган ва кузатув маълумотларининг статистик боғлиқлиги текширилган (7-расм).



7-расм. Моделлаштирилган ва кузатилган қор қопламлари қалинлиги маълумотларининг статистик таҳлили


Бутун Қашқадарё ҳавзаси бўйича қор қоплами ва унинг қалинлигини аниқлашда ҳаво ҳарорати ва ёғин миқдори маълумотлари фойдаланилган. Ҳавза бўйича ҳаво ҳароратини аниқлашда унинг баландлик бўйича ўзгариш градиенти ҳисобланган (8-расм).



8-расм. Йил давомида ҳаво ҳароратининг баландлик бўйича ўзгариши

Ҳавза бўйича ёғингарчилик маълумотини киритишда Кўл, Мингчукур, Фузор, Қарши, Шаҳрисабз метеостанцияларида ўлчанган маълумотлар тескари

масофани тортиш сули – IDW (Inverse distance weighting) орқали интерполяция қилинган. Қашқадарё вилоятида Кўл ва Мингчукур метеорологик станцияларидан бошқа станцияларда қор қоплами мониторинги амалга оширилмаганлиги сабабли, математик модел бўйича аниқланган қор қоплами масофадан зондлаш (MODSNOW) маълумотлари билан текширилди (9-расм).



9-расм. Ўрадарё ҳавзасида SNOWMELT (моделлаштирилган) ва MODSNOW (масофадан зондлаш) қор қоплами майдони графиги: а) моделни тузишда фойдаланилган маълумотлар (калибрация), б) модел маълумотларини аниқлигини текшириш (валидация)

Диссертациянинг «ГАТ технологиялари ва масофадан зондлаш маълумотлари ёрдамида Қашқадарё ҳавзаси сув ресурсларини оптимал бошқариш» деб номланган 4-бобида масофадан зондлаш ёрдамида ҳисобланган қор қоплами ва қор индекси маълумотлари асосида гидрологик прогнозлаш, дарё ҳавзасини 500 метр ҳамда 1000 метрлик баландликларга ажратиб, ҳар бир баландликлар бўйича алоҳида ойлик прогнозларини тайёрлаш, тоғ дарёлари оқимини прогнозлаш орқали Қашқадарё ҳавзаси сув ресурсларини оптимал бошқариш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Мазкур бобда Қашқадарё ҳавзасининг табиий режимли Оқсув дарёсидаги Ҳисорак гидропости, Яккабоғ дарёсидаги Татар гидропостидаги бўлган қисми учун дарё оқимининг ва Пачкамар сув омборига келаётган сув миқдорини вегетация даврининг ҳар бир ойи ва вегетация даври (апрель-сентябрь) учун прогнозлаш амалга оширилган. Дарё оқимини прогнозлашда тўғри чизикли кўп ҳадли регрессия тенгламаларидан (4.1) фойдаланилган:

$$y = ax + b \quad (4.1)$$

бу ерда: x — мустақил ўзгарувчи, y — мустақил ўзгарувчининг функцияси, a — бурчак коэффиценти, b — координата ўқини кесиб ўтувчи чизиқни билдирувчи катталиқ. Бу катталиқлар мусбат ёки манфий бўлиши мумкин.

Юқоридаги (4.1) ифода ўзгарувчилари ўрнига сув сарфи ва ҳавзанинг қор қоплами маълумотларини қўйиш натижасида (4.2) формула ҳосил қилинган:

$$Q_n = a * SCA_{n-1} + b \quad (4.2)$$

бу ерда: Q_n — прогноз қилинаётган сув сарфи, $m^3/сек$; a , b — чизиқли тенглама коэффиценти; SCA_{n-1} — прогноз берилаётган ойдан олдинги ойнинг қор қоплами майдони.

Ишда шунингдек, оқим прогнозини такомиллаштирилган кўп ҳадли ифодалари ишлаб чиқилган:

$$Q_n = a * SCA_{(n-1)} + b * Q_{(n-1)} + d * P + e * T + c \quad (4.3)$$

бу ерда: $Q_{(n-1)}$ — прогноз қилинаётган ойдан олдинги ойнинг ўртача сув сарфи, $m^3/сек$; P — 1 октябрдан прогноз қилинаётган ойдан олдинги ойгача ёққан ёғин миқдори, мм; T — прогноз қилинаётган ойдан олдинги ойдаги ўртача ҳаво ҳарорати, $^{\circ}C$.

Тадқиқот ишида дарё ҳавзаси 500 м ва 1000 м баландлик зоналари ажратилиб, ҳар бир баландликлар бўйича алоҳида оқим прогнозлари таққосланган, сўнгра статистик боғлиқлиги юқори бўлган баландлик зоналари ажратиб олинган. Натижада дарё оқимини прогнозлашнинг (4.4) ифодаси ҳосил бўлган:

$$Q_n = a * SCA_{(n-1)(H_1-H_2)} + b * Q_{(n-1)} + d * P + e * T + c \quad (4.4)$$

бу ерда: $(H_1 - H_2)$ — баландликлар оралиғи, м.

Қор қоплами (SCA) дарё ҳавзаси умумий майдонининг қор билан қопланган қисми майдонини фоиз миқдорида ифодаловчи параметр ҳисобланади. Қор қопламининг давомийлиги ва унинг ўзгариши билан дарё оқими ўртасида яхши корреляцион боғланишлар мавжуд. Бу ўз навбатида SCAnинг ўзгариши орқали ифодаланадиган қор қоплами индекси параметри SCI (Snow Cover Index) қўллаш мумкинлигини кўрсатади ва қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$SCI_t = \sum_{n=1}^{365/366} SCA_i \quad (4.5)$$

бу ерда: SCI_t (Snow Cover Index) — қор қоплами индекси, SCA_i (Snow Cover Area) — қор қоплами майдонининг ҳавза майдонига нисбатан фоиздаги қиймати.

Юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олиб, диссертация ишида Қашқадарё ҳавзаси сув ресурсларини оптимал бошқаришда Оқсув ва Яккабоғ дарёлари оқимини узоқ муддатли прогнозлаш регрессион тенгламаларида қор индексдан фойдаланилган. Бу ерда, Қашқадарё сув хўжалиги тизими фаолияти барқарорлигини таъминлаш учун иқлимий кўрсаткичлар — ёғин тури

ва ҳаво ҳарорати эътиборга олинган. Иккинчидан, ҳавзадаги сув ресурсларини оптимал бошқариш учун ойлик сув оқимини прогнозлашда ҳавзани баландлик бўйича 500 метрлик зоналарга ажратиб олинган.

Оқсув дарёси оқимининг ўртача сув сарфини прогнозлаш учун таклиф этилган регрессия тенгламаларини баҳолаш 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Оқсув дарёси оқимини вегетация давридаги ҳар бир ойга прогнозлаш учун кўпҳадли регрессия тенгламалари

Ойлар	Регрессия тенгламалари	R ²	S/σ
Апрель	$Q_{IV}=0,79359SCI_{III(1700-2200)}+0,532736Q_{III}+0,002084$	0,77	0,72
Май	$Q_{V}=-0,2704SCI_{IV(1200-1700)}+0,8182Q_{IV}+0,1639$	0,79	0,54
Июнь	$Q_{VI}=0,5095SCI_{IV(1200-1700)}+0,5808Q_{IV}-0,0303$	0,75	0,35
Июль	$Q_{VII}=0,20679SCI_{VI(3700-4200)}+0,81534Q_{VI}-0,06331$	0,94	0,58
Август	$Q_{VIII}=0,15681SCI_{VII(2700-3200)}+0,81159Q_{VII}+0,01235$	0,92	0,56
Сентябрь	$Q_{IX}=0,26535SCI_{VIII(1200-1700)}+0,76408Q_{VIII}+0,04408$	0,90	0,68

Изоҳ: R – корреляция коэффиценти; Q – ўртача ойлик сув сарфи, м³/сек; SCI_{n(H1-H2)} - H₁ – H₂ баландликлар орасидаги қор қоплами индекси; S/σ – прогнозлаш методининг самарадорлик мезони.

3-жадвал

Прогнозлаш методининг самарадорлигини статистик баҳолаш натижалари

Вегетация давридаги ойлар	Оқсув дарёси		Яккабоғ дарёси		Пачкамар сув омборига келадиган оқим	
	R ²	Прогнознинг оқланиши, %	R ²	Прогнознинг оқланиши, %	R ²	Прогнознинг оқланиши, %
Апрель	0,74	75	0,71	60	0,84	80
Май	0,64	45	0,34	35	0,62	50
Июнь	0,86	75	0,91	80	0,24	70
Июль	0,93	90	0,69	75	0,99	95
Август	0,85	75	0,89	80	0,71	65
Сентябрь	0,82	80	0,77	75	0,84	75
Вегетация даври учун						
Апрель-сентябрь	0,76	65	0,87	80	0,49	70

Дарё оқимини ойлик ва вегетация даври учун прогнозлаш бўйича тавсия этилган тенгламаларни амалиётда қўллаш натижасида кам сувли ва кўп сувли гидрологик йилларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига салбий таъсири олдини олиш ва камайтиришга эришилган.

ХУЛОСА

1. Қашқадарё ҳавзасининг иқлим хусусиятларини таърифлашда Ўзгидромет тасаруффидаги метеорология станцияларининг охириги 30 йиллик (1991-2020 йй.) маълумотларидан фойдаланилган. Қашқадарё ҳавзасида иқлим ўзгаришининг таъсири натижасида ҳаво ҳарорати +1,6°C даражага ошганлиги ва вегетация даври бошланиши олдинга силжиганлиги аниқланган.

Бутун ҳавза бўйича ҳаво ҳароратини аниқлашда, ҳаво ҳароратининг баландлик бўйича ўзгариш градиентидан фойдаланилган. Натижада, ўртача ҳар 1000 метрда ҳароратни $4,5-6,8^{\circ}\text{C}$ оралиқда ўзгариши аниқланган. Ҳарорат градиентининг энг катта қиймати ёзда, энг кичиги эса қишда кузатилган.

2. Диссертация ишида қор қоплами MODIS сунъий йўлдош маълумотлари асосида масофадан ўрганилган. Қор қопламини мониторинг қилиш учун нормаллашган қор индекси (NDSI)дан фойдаланилган. Бунда MODIS дан олинган тасвирлардаги булут қопламларидан тозаланган маълумотларини олишда MODSNOW дастуридан фойдаланилган. Тадқиқот натижасига кўра MODSNOW дастурида булутларни тозалаш алгоритмининг аниқлиги 94% эканлиги аниқланган.

3. Тадқиқот ишида қор қопламини қалинлигини аниқлашнинг математик моделини тузишда Қашқадарё ҳавзасидаги Мингчуқур ва Кўл метеорологик станциялари маълумотлари асосида қорнинг ёғиш, эриш ҳароратлари ва эриш жадалликлари аниқланган. Натижада, маълумотлар мос равишда қор ёғиш ҳарорати $T_{\epsilon} - 0,5^{\circ}\text{C}; 0,4^{\circ}\text{C}$, қорнинг эриш ҳарорати $T_{\epsilon} - 0,9^{\circ}\text{C}; 0,5^{\circ}\text{C}$, қорнинг эриш жадаллиги $C_m - 1,8 \text{ мм}/^{\circ}\text{C}$ кун; $2,5 \text{ мм}/^{\circ}\text{C}$ кун эканлиги аниқланган.

4. Диссертация ишида Қашқадарё ҳавзасида қор қоплами қалинлигини аниқлаш мақсадида SNOWMELT модели яратилган. Моделлаштириш натижаларининг аниқлиги замонавий гидрологик тадқиқотларда қўлланиладиган Нэш-Сатклиф самарадорлиги (Nash-Sutcliffe efficiency – NSE) ифодаси ёрдамида баҳоланган. Модель ва масофадан зондлаш маълумотлари таққосланганда Ўрадарё ҳавзасида калибрлаш даври (2000-2010 йй.) $\text{NSE}=0,82$ ва валидация даври (2010-2020 йй.) $\text{NSE}=0,77$ га тенглиги аниқланган, бу эса баҳолаш мезонига кўра, жуда яхши кўрсаткичга тўғри келади.

5. Масофадан зондлаш маълумотлари асосида Қашқадарё ҳавзасида дарё оқимини прогнозлаш усули ишлаб чиқилган. Олинган натижаларга кўра прогнознинг ўзини оқлаши апрель, июнь, июль, август ва сентябрь ойлари учун 60-95% оралиғида бўлса, май ойи учун 35-50%ни ташкил этган.

6. Корреляция коэффиценти юқори бўлишига қарамадан, Қашқадарё ҳавзаси учун оқим прогнозининг ўзини оқлаш кўрсаткичи паст. Бу эса бирламчи маълумотларнинг янада чуқурроқ тадқиқ қилиш зарурлигини кўрсатади. 2022 йилда баҳор фаслида ёғингарчиликнинг ортиши ва март ойида ёққан қор 2021-2022 гидрологик йил учун дарё оқими прогнозининг ўзини оқлаш коэффицентини камайишига олиб келган. Гидрологик прогноз сифатини яхшилаш мақсадида диссертация ишида қор қоплами индексидан (SCI) фойдаланилган.

7. Сув ресурсларини бошқаришда Қашқадарё ҳавзасидаги дарё ўзанларига 15 та сув омборлари қурилган. Диссертацияда ишида Қашқадарё вилоятида вегетация даврида далалардаги экинларни суғориш учун мавжуд сув омборларини оптимал бошқариш мақсадида сув омборларига келадиган дарё оқимини ҳар бир ой ва вегетация даври учун прогнозлаш формуллари тавсия этилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.27.06.2017.G.47.01 ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ГАФУРОВ АКМАЛ АКРАМОВИЧ

**ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ГЕОИНФОРМАЦИОННЫХ СИСТЕМ В
МОНИТОРИНГЕ И ОПТИМАЛЬНОМ УПРАВЛЕНИИ ВОДНЫМИ
РЕСУРСАМИ БАССЕЙНА РЕКИ КАШКАДАРЬЯ**

11.00.03-Гидрология суши. Водные ресурсы. Гидрохимия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.2.PhD/Gr133.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском гидрометеорологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский-резюме) размещён на веб-странице Научного совета по адресу www.nigmi.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Ахмедова Тамара Абдурахимовна
кандидат технических наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты:

Муродов Шухрат Одилевич
доктор технических наук, профессор

Умирзаков Гулом Унгарбоевич
доктор философии по сельскохозяйственным наукам

Ведущая организация:

Национальный исследовательский университет Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Защита диссертации состоится «30» ноября 2022 г. в 14⁰⁰ час на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.27/30.12.2019.G.47.01 при Научно-исследовательском гидрометеорологическом институте (Адрес: 100052, г.Ташкент, ул. 1-й проезд Бодомзор йули, 72. Тел.: +998 71 2358512, факс: +998 71 2371319; e-mail: info@nigmi.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Научно-технической библиотеке Научно-исследовательского гидрометеорологического института (зарегистрирован за №218). Адрес: 100052, г.Ташкент, ул. 1-й проезд Бодомзор йули, 72. Тел.: +998 71 2358512, факс: +998 71 2371319.

Автореферат диссертации разослан «18» ноября 2022 года.
(реестр протокола рассылки № ___ от «18» ноября 2022 года).



Б.М.Холматжанов
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.г.н.

Б.Э.Нишинов
Учёный секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.т.н.

Х.Эгамбердиев
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.г.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Глобальное изменение климата влияет на круговорот воды на планете, приводя к неравномерному распределению водных ресурсов. По данным Всемирной метеорологической организации¹ «К 2050 году почти 5 миллиардов населения не смогут пользоваться достаточным количеством воды, по крайней мере, в течение месяца в году. В целом, глобальное потепление ускоряет круговорот воды на планете, с 2000 года количество бедствий, связанных с наводнениями, увеличилось на 134%, а количество и продолжительность засух увеличилось на 29%». Эта ситуация требует применения инновационных технологий в мониторинге и оптимальном управлении водными ресурсами и проведение исследований, направленных на прогнозирование речного стока.

В мире особое значение придается исследованиям в этом направлении, в том числе, прогнозированию водных ресурсов на основе климатических факторов и данных о снежном покрове, мониторингу водных ресурсов в речном бассейне, заблаговременному выявлению рисков засухи и наводнений. Также в настоящее время актуальным является определение площади снежного покрова и его толщины, на основе чего рассчитываются запасы воды в реках, совершенствование методов средне- и долгосрочных гидрологических прогнозов по данным о снежном покрове и климатическим данным, повышение качества мониторинга водных ресурсов и оптимального управления ими.

В нашей республике особое внимание уделяется использованию инновационных технологий в различных отраслях экономики, в том числе в разработке новых методов прогнозирования с использованием геоинформационных систем (ГИС) в мониторинге водных ресурсов и в этом направлении достигнуты значительные результаты. В частности, в Дорожной карте Концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы² в пункте 2.1. «Совершенствование системы прогнозирования и интегрированного управления водными ресурсами, учета и отчетности водных ресурсов, установления нормативов водопотребления» включено «Развитие и поэтапное внедрение прогнозирования водных ресурсов на основе ГИС-технологий» для реализации плана мероприятий Дорожной карты в 2020-2022 годах. В связи с этим, научно-исследовательские работы, направленные на исследования использования геоинформационных систем и дистанционного зондирования при мониторинге водных ресурсов и их оптимальном управлении в нашей республике являются актуальными.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 - 2026 годы», №УП-6024 от 10 июля 2020 года «Об утверждении концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан

¹ World Meteorological Organization. 2021 State of Climate Services: Water.

² Указ Президента Республики Узбекистан УП-6024 от 10 июля 2020 г. «Об утверждении концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020 — 2030 годы»

на 2020-2030 годы”, Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-4896 от 17 ноября 2020 года “О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Гидрометеорологической службы Республики Узбекистан”, №ПП-5005 от 24 февраля 2021 года “Об утверждении стратегии управления водными ресурсами и развития сектора ирригации в Республике Узбекистан на 2021-2023 годы” и в других нормативно-правовых актах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики «V. Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Мониторингу водных ресурсов, использованию дистанционного зондирования для их оценки, изучению вопросов прогнозирования речного стока различной заблаговременности посвящены работы таких зарубежных ученых, как D.Ficklin, Y.Luo, E.Luedeling, M.Zhang, W.Bastiaanssen, E.Noordman, H.Pelgrum, G.Davids, B.Thoreson, R.Allen, C.Zhang, S.P.Meyer, T.Salem, J.Labadie, H.Assaf, M.Saadeh, P.S.Fortes, A.E.Platonov, L.S.Pereira, M.Schlüter, N.Rüger, D.Hirsch, C.Pahl-Wostl, Y.Chemin, M.Hassan, R.Bohovic, U.K.Awan, B.Tischbein, C.Martius, M.Hafeez, G.Menz, F.Thonfeld.

